
АҲОЛИ БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Туман ҳокими Ш.Мўминов ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўриш, одамлар билан мулоқот ўтказиш, қишлоқ ва маҳаллаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан танишиш мақсадида жойларга юриш қилди. Туман ҳокими биринчи навбатда одамларга қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни рози қилиш, аёллар ва ёшларга яратилган иш ўринлари, болалар боғчалари, маҳалла гузари, маданият маркази, кутубхона, гўзаллик салони, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик цехлари фаолияти билан танишиб чиқмоқда. Фарғона тумани ҳокими Миндондаги “Шарқ Ҳақиқати” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари



Унда ўттизга яқин аҳоли вакилларининг ижтимоий, иқтисодий масалалари билан боғлиқ муаммоларига ечим топилди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Учрашув давомида ҳудудда 605 дан зиёд аҳоли хонадони мавжудлиги улардан атиги 250 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги;-Шарқ Хақиқати, Ишчи, Ҳамроҳ ва Фазо кўчаларини асфальтлаштириш, -махалла фуқаролари йиғинига янги бино қуриш; - Қишлоқ марказида кутубхона ташкиллаш, аҳолини электр таъминоти билан узлуксиз таъминлаш, аёллар ва ёшларни бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, имтиёзли банк кредитлари олишда тўсиқ бўлаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳал этиб берилишини сўралди. Мулоқот жараёнида аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган масалаларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди, ижро назоратга олинди. Самимий, очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган сайёр қабулда жисмоний шахсларнинг мурожаатларини тинглаш асносида мавжуд масалалар ечимида фуқароларнинг бурч ва вазифалари, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга ҳам эътибор қаратилди. Тозалик бор жойда барака бўлади. Биринчи навбатда озодаликка риоя қилиш, соғлом муҳит яратиш зарурю бунинг учун ҳар бир хонадон, маҳалла ва аҳоли пунктларида саранжон саришталикка алоҳида эътибор қаратилиши, ижтимоий ёрдамга мухтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, айниқса кекса, яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотганларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги учрашувда таъкидлаб ўтилди.

2020-07-23 17:16:39